Абдулла ҚАҲҲОР — 100



Дадахон НУРИЙ

# УСТОЗНИНГ СЎНГГИ БАҲОРИ

Буюк мусаввир ҳамда фидойи мураббий Чингиз Аҳмаров бир гал Абдулла Қаҳҳор олдига бориб юрганимдан хабар топиб, шундай деганди:

— "Сароб" романига суратлар ишлаш жараёнида ёзувчи ҳузурига кўп марта борганман. Қаҳрамонлар образини яратишда кимлардан "андоза" олишни маслаҳат берарди у киши. Афсус, ўша пайтлар асар муаллифи суратини "қоралама" қилиб бўлса-да, қоғозга тушириб олмаган эканман. Мендан ўтган бу хатоликни сен қайтармаслигинг керак. Абдулла Қаҳҳор олдига борганингда ёнингда доимо қоғоз-қалам бўлсин!

Чингиз домланинг зиммамга юклаган вазифаси мен учун аввалига мутлоқ амалга ошириб бўлмайдиган мушкул ишдай туюлиб юрди. Тўғри-да, эрмак учун онда-сонда суратлар чизиб қўядиган мендай "чалашогирд" қаерда-ю, Абдулла Қаҳҳордай одамга қараб туриб суратини ишлашга журъат қаерда!

Шундай бўлса-да, орадан ойлар ўтгач, у кишининг бир нечта "қоралама" суратларини қоғозга тушириб олдим.

Устоз бир куни:

— Табиатни тасвирлашда сўз "бўёқ"ларингиз яхши. Чизишда-чи? — деб сўраб қолди.

— Манзара суратлар ишлаганим бор, — дедим.

Эртасига ман-ман деган мўйқалам соҳиби орзу қиладиган "этюдник"ка бири "Кўча бўйидаги азим дарахт" деган, иккинчисига ҳали ном қўйилмаган суратларни жойладим-да, устозга кўрсатгани олиб келдим.

Абдулла акага ҳар икки пейзаж ҳам маъқул бўлди чоғи, узоқ қараб қолди ва иккинчи манзара-сурат остидаги ёзувга ишора қилиб:

— "Нанай". Бу Бўстонлиқдаги қишлоқлардан бирининг номи-ку! Нега қишлоқнинг ўзи кўринмайди? — деди.

— Аслида бу, қишлоқдан анча олис Чотқол тоғлари ичкарисидаги Ахсарсойнинг Псков дарёсига қуйилиш жойи, — дея адибга тушунтира бошладим. — Манави биринчи планда турган, танасидан тортиб, тепа шохларигача қорайиб кетган дарахтни бир неча бор яшин урган. Қуриб-қовжираб қолган пайтлари ҳам бўлган. Барибир янги новдалар чиқариб, кўкариб кетаверган. Бу "Бардош дарахти" ҳақида менга нанайлик кекса отахон Тиллахон бува сўзлаб берган. Энди, Абдулла ака, шу манзара суратга ўзингиз ном қўйиб берсангиз. Аслида-ку, мен ушбу дарахтни Сизга қиёслагим келади.

Адиб индамади. Юзларида ҳам бирон ўзгариш сезилмади.

Бир пайт менга ўгирилди-да:

— Айтиб турибсиз-ку, "Бардош дарахти" деб. Унга "соҳил"ни қўшайлик.

— "Соҳилдаги бардош дарахти"!

— Ана. Олам гулистон, — у кишининг чеҳраси ёришгандай бўлди...

"Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида" номли китобда "Устознинг сўнгги сурати" деган мақола билан қатнашганман. Унда 1968 йилнинг қиш оқшомларидан бирида қора туш билан чизилган сурат ҳақида гап кетади.

Аслида устоз Абдулла Қаҳҳорнинг охирги сурати ўша йилнинг айни баҳор, ҳаммаёқ гуллар тароватига бурканган кунларидан бирида қоғозга тушириб олингани яқинда адиб билан учрашувлар тафсили қисқача баён қилиб борилган папкаларни кўздан кечираётганимда маълум бўлиб қолди. Тепасига "Гулхан" деб ёзилган (аввалроқ шу болалар журналида ишлаганман) конверт ичидан Абдулла аканинг бир нечта "қоралама" суратлари чиқди. Суратларга қўйилган имзо остида "5-IV-68" санаси кўзга ташланади. Демак, айнан шу "чизги"лар Абдулла Қаҳҳор ҳаётининг Тошкентда кечган охирги кунлари билан боғлиқ бўлиб чиқади.

Мухтасар маълумот сифатида қоғозга туширилган ёзувларни ўқирканман, беихтиёр бундан салкам қирқ йил аввалги апрел кунлари кўз олдимда қайта гавдалангандай бўлди...

Абдулла ака эрталаб Озод Шарафиддиновни йўқлаб қўнғироқ қилганди, гўшакни келинойи кўтарди чоғи "Шарофатхон, Озод келиб кетсин" дедилар.

Орадан кўп ўтмай ташқаридан гувиллаган овоз эшитилиб, машина келиб тўхтади. Эшикни очдим. Шундоқ рўпарада анчагина уриниб қолган, Абдулла ака таъбири билан айтганда, "Кострюлкаранг" машина турарди.

Бир пиёла чой устида айтилган гап қисқа бўлди:

— Озод, бу кунлар ҳам ғаниматга ўхшаб қолди. "Ако Бухор" (Абдулла ака истиқомат қиладиган ҳовлига яқин жойда дўкончаси бор сартарош)га юз-бошни бир кўрсатиб, сўнг шаҳар айланиб келсак.

Анчадан бери хонанишин бўлиб, ташқарига чиқмай қўйган Абдулла аканинг кутилмаганда бундай қарорга келиб қолиши Кибриё опани қувонтириб юборди.

Устозга маъноли қараш қилиб:

— Менам сизлар билан бораман, — деди.

Абдулла ака босиқ оҳангда:

— Аёл киши кашанда носқовоғидай доим унинг ёнида осилиб юравериши шарт эмас. Унинг бошқа вазифаси ҳам бор. Яъни, биз айланиб келгунимизча пазандалик санъатингизни намойиш қилиб турсангиз улуғ иш бўларди, — деди.

Опа индамай қолди, лекин ўзини бир гапдан тиёлмади:

— Шу баҳорий кунларни "ғанимат"га чиқармай, иккимиз бошқа пайт алоҳида айланиб келамиз, десангиз бўларди!

— Насиб этса айланармиз. Қутилдимми? Озод, энди сизнинг заҳматкаш уловингизга бироз дам берайлик-да, менинг машинамни ҳайдаб кўчага олиб чиқинг. Уни минишга-ку, оёқ ярамай қолди. Ҳеч бўлмаса уч-тўрт кун хизмат қилсин.

Озод ака қошларини чимириб устозга қаради:

— Нега энди уч-тўрт кун? Яп-янги машина бўлса! Ҳали кўп хизматингизни қилади, Абдулла ака. Даволаниб келганингиздан кейин Фарғона водийсини ўзингиз бошчилигингизда яна бир бор айланамиз.

— Улар мени тузатиб юборишига кўзингиз етяптими?

— Нега етмасин, Кремл шифохонаси бўлса!

— Мени эса "Қамчиқ" довони томонларга кетгим келяпти. Ҳозир у ерда тоғлар этаги кўм-кўк ўтларга бурканиб ётгандир. Лолалар ҳам очилган бўлса керак.

— Хўп десангиз кетаверамиз, — деди Озод ака қаддини тиклаб, овозини баланд қўйиб, ҳозироқ йўлга тушишга шай кишидек.

Абдулла ака бошини сарак-сарак қилди:

— Қайда. Дўхтирлар ҳеч қаерга чиқармай қўйишди-ку! Мени мунча аяшмаса!

— Бугун биринчи апрел, ўша дўхтирларни бемалол алдайвериш мумкин! — гапни ҳазилга бурди Озод ака.

Устознинг 60 йиллиги муносабати билан олинган "Волга" кичкина яланглик тўридаги гаражда чанг босиб ётарди. Уни ташқарига олиб чиқиб "ювиб-тарадик".

Кейин бир оёқлари тўпиғигача қалин жигарранг жун рўмол билан ўралган Абдулла акани машинага ўтқаздик. Улар "Ако Бухор" сартарошхонасига, сўнг шаҳар айланишга кетишди.

Абдулла ака кеч пешингача чўзилган "сайр"дан анча толиққан ҳолда қайтди. Катта меҳмонхона-залга кириладиган эшикнинг шундоқ ўнг томонига деворга ёндоштириб қўйилган дивандаги пар ёстиққа оҳиста суянаркан:

— Ҳар ҳолда кўриб келганим яхши бўлди, — дея ярим жилмайиш билан Озод акага қараб, қўшиб қўйди. — Қаранг, ҳамаёқда баҳор нафаси. Яшагинг келади...

Эртасига жажжи бутоқчалари гулга бурканган бир шохчани кўтариб Шуҳрат ака кириб келди.

— Қаранг, Абдулла ака, ҳовлимиздаги ўрик гуллабди. Увол қилиб узмай дедим-у, сизга бир кўрсатгим келди-да.

Абдулла ака шохчани қўлига олиб, ундаги гардиши нозик пуштиранг гулларга тикилиб боқди, ҳидлаган бўлди, сўнг Шуҳрат акага ўгирилиб деди:

— Кеча шаҳар айланиб келдик.

— Эшитдим. Жуда яхши иш бўпти.

— Ғафур Ғуломнинг болалиги ўтган Қоратош маҳалласидаги ноклар ҳам оппоқ бўлиб, очилай деб турибди. Шуҳрат, табиатнинг ҳукми қизиқ-а, мана шу гуллар озгина вақт ўтгач, қуриб-қовжирайди, ўрнида мевалар пайдо бўлади. Улар ҳам пишиб тўкилади. Бу "тўкилиш" дегани умрнинг поёни бўлса керак...

Абдулла аканинг қочиримлари ҳамда тагдор гаплари маъносини дарров англаб олиб, жавобига шай турадиган Шуҳрат ака нима дейишини билмай, бир лаҳза тараддудланиб қолди.

Орага чўккан сукутни яна Абдулла аканинг ўзи бузди:

— Дўрмон томонлар ҳам яшнаб кетгандир. Бир бориб қўйиш керак. Энди у ерларни кўриш насиб этадими-йўқми...

Шуҳрат ака кулиб юборди:

— Нега насиб этмасин, Абдулла ака! Мана, ҳамма ёқда наврўзи олам. Яқинда Шаботхон (Хўжаев) бир гап айтиб қолди: қишдан эсон-омон чиқиб олган беморларнинг етмиш фоизидан кўпроғига табиатнинг ўзи шифо бериб тузалиб кетармиш. Кайфиятни яхши тутишда гап кўп экан.

— Тўғрику-я, мени яна қиш-қировли жойларга жўнатишаётган бўлса-чи!

Шуҳрат ака:

— Ўзбекистоннинг ҳавосидан ўзим обориб тураман, — деди.

Устознинг кейинги кунлардаги ҳар бир гапидан она тупроқдан оёқ узиб кетгиси йўқлигини англаш мумкин эди. Бироқ шифокорлар у киши Москвага бориб даволанмаса бўлмаслигини, ҳукумат шифохонасида алоҳида палата тайёрлаб қўйилганини айтишарди. Саккизинчи апрел куни учун самолёт чиптаси ҳам тайёрлаб қўйилганди.

Шуҳрат ака устознинг Дўрмонга чиқиб келиш ҳақидаги фикрини қўллаган бўлди:

— Сергей боғингизни янги тушган келинчакнинг ҳовлисидай саранжом-саришта қилиб, кутиб ўтирибди.

Бешинчи апрел куни эрталаб Дўрмонга чиқиб келдик. Абдулла ака атрофга завқ билан кўз ташлаб олди-да, ёнида қўлларини қовуштириб турган директорга деди:

— Сергей, Шредерга — Маҳмуд Мирзаевга ўринбосар қилиб юборайликми?

— Раҳмат Абдулла ака! Шундоғам мана шу кичкина хўжаликнинг ишлари етиб-ортаяпти.

Кибриё опа ўз "касб-кори" — пазандачиликка уннаб кетди. Лиммо-лим сув оқиб турган катта ариқ устига қўйилган ёғоч каравотга кўрпачалар тўшаб, ўртадаги хонтахтага дастурхон ёзилди. Бир пайт Сергей ака ижод уйи ошхонаси томондан баҳорнинг тансиқ таоми — кўкат сомса кўтариб келиб, ҳаммани каравотга чорлади.

— Абдулла ака, — деди директор ўртага қўйилган лаганга ишора қиларкан, — инсоф билан ўзингиз тақсимламасангиз, кимгадир етиб, кимларгадир етмай қолиши мумкин.

Абдулла ака жиддий қараш қилиб:

— Ишқилиб сомсалар "Литфонд" ҳисобидан эмасми! — деб қўйди-да, тарелкаларга икки донадан қилиб, сола бошлади.

... Абдулла акага сувнинг салқини таъсир этди шекилли, енгил кулранг женси палтони елкаларига тортиб, дурустроқ ўраниб олдилар. Шундан кейин биз у кишини офтобрўй жой — яланглик четидаги шафтоли дарахти остига қўйилган оромкурсига ўтқаздик. Адиб чарчоқданми, оғир нафас олиб, бошни орқа суянчиққа қўйди. Тип-тиниқ осмон юзига тикилиб турган нигоҳлари беихтиёр кўкда чарх уриб юрган қалдирғочларга тушди. Бирдан ўша баҳор элчилари пастга томон шўнғиди-да, зум ўтмай йўлакнинг нариги бошида пайдо бўлди. Кейин чуғур-чуғур қилганча Абдулла ака ўтирган яланглик узра пайдо бўлди, гир айланди-ю, яна кўкка қараб парвоз қилди.

Бу ҳолат шубҳасиз адибни ҳайратга солганди. "Наҳот, шу жажжи жониворлар ҳам мен билан хайрлашган бўлса" дегандек улар орқасидан қараб қолди.

Мен Абдулла аканинг мана шу дақиқалардаги ҳолатини қоғозга туширмоқ учун қўлимга қалам олдим ва бир нечта (ўша "5-IV-68" рақами қўйилган) "қоралама"лар чизишга улгурдим. Учқун Назаров эса Абдулла аканинг "Любительский" фотоаппаратини ишга солиб, суратлар оларди.

Ўша куни кечгача Дўрмонда бўлдик. Оқшом туша бошлади ҳамки, Абдулла ака кетайлик демасди.

Ниҳоят Кибриё опа:

— Жўнайлик энди. Кунлар исиганда бемалолроқ келармиз, — деди.

Абдулла ака сал жунжигандай бўлди, сўнг ўзига хос тагдор гап қилди:

— Қишга қараб кетяпмиз-у, қанақасига бемалолроқ бўлсин! Майли, кетдик, ўша томонларга!..

Шаҳарга йўлга тушишдан олдин Абдулла ака олди айвон, бир даҳлиз, бир хонали уй ёнига кўтарма қилиб қурилган, унга чиқиб қарасангиз Фарғона водийсини эслатувчи зумрад дала-боғлар кафтда тургандай бўлиб кўринадиган нақшинкор шийпонга, қийғос гулга бурканган дарахтларга узоқ тикилиб боқди. Ҳатто машина катта йўлга чиқиб, қайрилгунга қадар ўз боғидан кўз узолмади...

1968 йилнинг 8 апрелида устозни Москвага жўнатишди. Унинг ёнида доимий ҳамдам-ҳамроҳи Кибриё Қаҳҳорова, кузатувчи бир ҳамшира қиз бор эди.

Самолёт қўнгач, шу нарса маълум бўладики, беморни олий тоифадаги врачлар тугул, оддий шифохонанинг оддий ходимлари ҳам кутмаётган экан. Кибриё опанинг зир югуриб, кўплаб идоралар эшигини қоқиши, анча-мунча сарсон-саргардонликлардан сўнг ўз юртида суюкли ва ардоқли бўлган Ўзбекнинг буюк Ёзувчиси ўртамиёна шифохонанинг оғир касаллар билан тўла умумий палатасига ётқизилади.



Кибриё Қаҳҳорованинг айтишларига қараганда, Абдулла ака у ердаги шарт-шароитни кўриб "Бу ер "Олтинчи палата" (А.Чеховнинг шу номли ҳикоясига ишора)ни ўзи-ку, бошқа жой топишолмабди-да" деган экан ўкинч билан.

Адиб қирқ етти кун давомида бир марта ҳам "оҳ" демай, нола-фиғон чекмай ўлим билан мардона олишади.

Ниҳоят умр поёнига кўзи етгач, содиқ, вафодор кишиси Шуҳратни чақиринглар, деб илтимос қилади.

Тошкентдан зудлик билан етиб келган шогирдини кўради-да:

— Яқинроқ келинг, юртимизнинг баҳорий ҳавосидан бир тўйиб нафас олай, — дейди.

Бу халқимизнинг фидойи, буюк фарзанди Абдулла Қаҳҳорнинг сўнгги сўзлари эди...

# ДАРЧА

Боши учинчи бетда.

— Ниятиз эшик ўрнига ғишт уриш экан, жилла қурса дарча-парча қўйиб кетсангиз бўларди, — деди ука бўшашиб. У акасининг дилини хуфтон қилиш истагидан воз кечганди.

— Планда бор, — деди акаси унинг гапини бўлиб. — Нима, биззи оқибатсизга чиқарвоссанми, ука?..

Абдуфаттоҳ изига қайтди.

Эртаси ишдан уйига келганида кеча эшик ўрнига урилган ғиштлардан тўрттаси олиб ташланганини кўриб, юзига қон югурди, кўнгли ёришди. Шу кундан бошлаб худди ана шу даричадан нафас олаётган одамдек суюниб юрди. Кунига икки-уч бор унга ўғринча кўз ташлаб қўяди. Гўё осмондан тушган фаришталар ҳовлисига ана шу ердан кириб келаётгандек туюларди.

Бир гал кичикроқ маърака қилинганида дарча иш берди: дошқозон аканинг ҳовлисига ўрнатилди. Коса-лаганлар шундоққина дарчадан бериб-олинди, қайтанга яхши бўлди...

...Ўшанда жонни зирқиратадиган қаҳратон қиш эди. Янги йил кечасини оиласи билан нишонлаётган Абдуфаттоҳ нима бўлдию тоза ҳаво истаб ҳовлига чиқди. Керишди, қўлларини олдинга узатганича пағa-пағa ёғаётган қорга тутди. Пардек қор парчалари кафтларига тушиб эриб кетаверди. Бундай сурурли манзарадан унинг юраги чексиз завқ-шавққа тўлди. Қор ёғиши забтига олган кезларда у ҳовли ўртасига бориб ёш боладек ётиб олар, само супрасидан қоқилаётган учқунларга кўмилиб кетгиси келарди.

Абдуфаттоҳ бир муддат ҳовли этагидаги уйга термулди. Деразаларига оқ сурп тортилган уй мунғайиб қолган муштипар кампирдек маъюс турарди. Кейин дарчадан қўшни ҳовлига кўз ташлади. Бирорта ҳам ёниқ чироқ кўринмасди. "Байрам тунида қаёққа кетишди экан..." кўнглидан ўтказди.

У эртаси куни тўнғич жиянини кўчада учратиб қолди. Байрам оқшоми қандай ўтганини суриштирди. Қиз боёқиш хомуш тортиб деди: "Адам бу бизнинг байрам эмас, дилбузар — бидъат, деб Янги йилни нишонлашга қўймадилар". Абдуфаттоҳ бошини сараклатди, жиянларига ичи ачиди, кейинги пайтларда акасининг оёқ олиши бошқача бўлиб қолганини эслади.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, кунларнинг бирида қўшни ҳовлида қиёмат қўпди. Абдуфаттоҳ дарчадан разм солди. Акаси хотинини олдига солиб қувар, шўрлик аёл қорда ялангоёқ қочарди. "Яна аслига қайтибди!" деган ўй ўтди уканинг хаёлидан. Ўғил-қизлари бўйига етиб қолган одамнинг маст-аласт юриши хунук кўринарди. У "эр-хотиннинг ўртасига тушган аҳмоқ" деган гапни бир-икки такрорлаганича дарчага яқин келди. Ҳадиксираб овоз берди: "Тинчликми, ака? Келинойимни тоза қийнаб қўйибсиз-ку!".

— Олимлигингни уйингда қил, бола! — маломат қилишга тушди ака. — Хотинчангга тишинг ўтмаганидан кейин уни сизлайсан, хумордан чиққунча сўкиш, уриш у ёқда турсин, бурнидан баланд гапиролмайсан. Тумшуғингдан ип ўтказиб олиб етаклагани-етаклаган. Хотин — маники, билганимни қиламан. Так что, ишимга бурнингни суқма, бола, ёмон бўлади...

Ака гап билан тўхтаб қолгани йўқ. Музлаб ётган ерни чопиб лой қорди. Тўртта ғишт топиб ҳар икки ҳовлига зеб бериб турган дарчани ёпиб ташлади. Абдуфаттоҳ маст-аласт акасига бир нима дейишга ботинолмади. У гўё нафас йўли бекилиб қолган бемордек бўғилиб юрди, бир муддат изтироб чекди.

Дарча ёпилиб, қон-қариндошлик йўлларини қум босди. Вақт деганлари ҳовли ўртасида текис девор бино қилганидек, Абдуфаттоҳнинг кўнглидаги чандиқларни ҳам силлиқлаб ўтди. У "Балки, шу дахмаза олдинроқ ёпилганида бир дунё гап-сўзга қолиб юрмасмидик..." деган мулоҳазага ҳам бордию бироқ билиб-билмай отасининг ҳамёнига қўл солган ўғилдек бемаъни хаёлидан ўзи уялди.

Абдуфаттоҳ хаёл осмонидан тушган паллада тонг ёришиб, қоронғулик секин-аста чекинмоқда эди. Шу пайт дарвоза беўхшов тақиллаб қолди. "Бемаҳалда ким келиши мумкин? Бугун маҳаллада ош берадиган киши бўлмаса...". У болохона зиналаридан шошилинч тушди. Йўлакдан ўтиб кўчага чиқди. Дарвоза олдида келинойиси тиззаларини муштлаб, изиллаб турарди. Абдуфаттоҳ "Тинчликми?" деб улгурмай, аёл йиғлаганича ўзини унга ташлади: "Акангиздан айрилиб қолдик, иним!".


Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази,
Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси,
Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси,
Республика "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва
Самарқанд вилоят ҳокимлиги Маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан биргаликда

**Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишлаб, 2007 йил 29-30 май кунлари Самарқанд шаҳрида "Навқирон Самарқандга таъзим!" мавзусида**

**ФОЛКЛОР-ЭТНОГРАФИК АНСАМБЛЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ФЕСТИВАЛИни**

**ўтказади**



Кўрик-фестивал 29 май куни соат 11.00 да "Ёшлик" маданият ва истироҳат боғида бошланади.

**ҒОЛИБЛАРНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КОНЦЕРТИ ВА ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ**

**30 май куни соат 19.00 да бўлиб ўтади.**

**Ташкилий қўмита.**


## Дунё кенг...



## ҚАДИМ ЦИВИЛИЗАЦИЯ СИРИ

**Газетамизнинг ўтган сонларида Перудаги Ика шаҳри яқинида топилган сирли тошлардаги суратлар ҳақида маълумот берилганди. Бу суратларни олимлар, эҳтимол, қачонлардир Ерга коинотдан келиб тушган инсониятнинг энг қадим аждодлари эришган юксак цивилизация аломатлари, дея тахмин қиладилар.**

Жанубий Америкада ана шу қадим аждодларнинг айрим урф-одатлари бугунги кунгача сақланиб қолган, деб ёзади "АиФ" газетаси хабарида. Хусусан, паракас қавмига мансуб одамларнинг ишончига кўра, ўлим — одамнинг кўзга кўринадиган оламдан кўзга кўринмайдиган оламга кўчиб ўтишидан бошқа нарса эмас. Боз устига, кўринмайдиган олам улар тасаввурида барча оламларнинг энг яхшиси саналаркан. Шу боис, бу одамлар ўз қавмидан вафот этган кишини қувончу шодликлар билан дафн этишаркан.

Гарчи ўлимга перуликлар ўзига хос омад каби қарасалар-да, ҳеч ким бу омадга вақт-соатидан олдин эришишга интилмаган. Қолаверса, Перу ва Боливиянинг қадимий аҳолиси иложи борича узоқроқ яшашнинг тадбирини кўришган. Бош чаноғини жарроҳлик йўли билан очиш ана шундай чоралардан бири саналган.

Паракас қабиласига мансуб одамлар нафақат мия операциясини амалга оширишган, балки бош чаноғини турли хил — гоҳида конус, гоҳида узунчоқ-тухум шаклларга солишган. Ана шундай шаклдаги бош чаноқлари Наска ва Паракас чўлларидаги қўҳна қабристонларда кўплаб топилган. Шу ўринда одам бош чаноғини бу каби турли шаклларга солишдан улар қандай мақсадни кўзда тутган, деган савол туғилиши табиий.

Перулик антрополог, доктор Ренато Рикелми қадим перулик маликанинг чўзинчоқ бош суягини тадқиқ қилиб, бу чаноқдаги мия ҳажми ҳозирги одамларнинг мияси ҳажмидан икки баробар катта бўлганини аниқлаган. Демак, бош чаноғини турли шаклларга солиш, болаликдан турли хил мосламалар ёрдамида унинг шаклини ўзгартиришдан айни шу мақсад, яъни мия ҳажмининг одатдагидан каттароқ бўлишига эришиш эди. Инсон миясининг сир-синоатлари устида узоқ йиллардан бери тадқиқот олиб бораётган россиялик олим Леонид Гримак фикрича, перуликларнинг қадимги аждодлари шундай усул ва воситалар билан одам мияси ҳажмини каттартириб, айни пайтда, унинг ғайритабиий қобилиятларга эга бўлишига эришганлар. Аксарият ҳолларда бош чаноғининг юқори қисми "ўзгартирилган". Бош чаноғининг юқори қисмидаги мияга мантиқий фикрлаш ва аниқ фанларни ўзлаштириш масъулияти юкланаркан. Доктор Рикелмининг тахминича, паракас қавми одамлари шу тарзда генийларни етиштирганлар. Демак, "Ика тошлари"даги ғаройиб расмлар ҳам ўша одамларнинг ижоди, деб тахмин қилинади.

Баланд тоғ жойдаги Титикака кўлининг ўртасида жойлашган Қуёш деб номланувчи оролдаги кичик музейда гўдакларнинг бош чаноқларини турли шаклларга солиш технологияси акс эттирилган расмлар сақланади. Бундай амал бир неча йилларга чўзилган ва бундан болалар азият чекишганини тахмин қилиш қийин эмас. Бироқ кейин бу "тухумбош" болалар чинакам мўъжизалар кўрсатишганки, бу ҳақидаги маълумот ва далилларни биз кўпинча ўзга сайёраликларнинг "иши"га йўямиз.

Хўш, Альтиплано қоялари орасида кўплаб излари қолган қадим дунёнинг бу тенгсиз ихтиролари — буюк цивилизацияси қандай сабабларга кўра инқирозга юз тутган? Кенг тарқалган тахминларга биноан, қадимги перуликларнинг гуллаб-яшнаган маданияти даҳшатли ҳалокат оқибатида барбод бўлган. Бу ҳалокатни айрим тадқиқотчилар кучли сув тошқини, яъни ўша — Инжилда, шумерларнинг "Гилгамеш ҳақида ривоят"ида ва бошқа қадимги халқлар ривоятларида битилган Буюк тўфон билан боғлашади.


МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91
Котибият — 136-56-50
Электрон манзилимиз: uzasziyoli@list.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-58-55

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4776. Буюртма Г — 448. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН